



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 24 октябрь, № 208 (5882)

Пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2013 йил 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мажлисида МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилади.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Гаров реестри тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 19 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2013 йил 22 августда маъқулланган

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади гаров реестрини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Гаров реестри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Гаров реестри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гаров реестри тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гаров реестри** — қарздорларнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда қарздор ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни (бундан буён матнда ёзувлар деб юритилади) ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базаси;

**кредитор** — қарздордан ўзининг мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш, мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда эса — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйилган қарздорнинг мол-мулкни ҳисобига ўз талабларининг имтиёзли равишда қаноатлантирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**қарздор** — кредитор фойдасига мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пулни тўлаш ёки бузилиши кредиторнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида қарздор бериб қўйган мол-мулкка ундирувни қаратишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган бошқа мажбуриятлари бажариш билан боғлиқ ҳаракатни содир этиши шарт бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**фойдаланувчилар** — гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида гаров реестрига ёзув киритиш ҳуқуқига эга бўлган кредитор, қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек қонунга мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тергов ҳамда суриштирув органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари;

**ягона рўйхатдан ўтказиш рақами** — гаров реестрига киритилган ёзувга бериладиган алоҳида рўйхатдан ўтказиш рақами.

#### 4-модда. Гаров реестрини юритиш

Гаров реестрини юритиш ёзувларни киритиш, ўзгариштириш ва чиқариб ташлашни ўз ичига олади.

Гаров реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузурида ташкил этиладиган гаров реестрини юритувчи ташкилот зиммасига юклатилади.

#### 5-модда. Гаров реестрини юритувчи ташкилот ваколатлари

Гаров реестрини юритувчи ташкилот: мурожаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузилган шартнома асосида ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек ундан реал вақт режимида, шу жумладан Интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатади; мурожаат этган юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестрига ёзув киритиш ақибатларини тушунтиради; гаров реестридаги ахборотни қарздор — солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имкониятини таъминлайди;

фойдаланувчига киритилган ёзув тўғрисида электрон шаклда, зарур ҳолларда эса қоғозда ахборот тақдим этади.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Мадазизов Бахтиёр Хамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази цикл бошлиғи

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдуллаев Бахтиёр Тухтасинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эргашев Қодир Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

#### «Дўстлик» ордени билан

**Иргашев Қобилжон Комилджонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика марказининг шахсни идентификация қилиш маркази бошлиғи

**Курляндцева Ольга Валерьевна** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси

**Оринбаев Аманбай Тлеубаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

#### «Мардлик» ордени билан

**Қодиров Жўрамурад Амриллоевич (мархум)** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон гуруҳ командири

**Сабиоров Бекзод Самихжанович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

#### «Жасорат» медали билан

**Валиев Тулкин Алмарданович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Гайназаров Улугбек Абдирафикович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ёриев Ғайрат Равшанович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон милиционерни

**Ибрагимов Рустам Кахрамонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери

**Ризаев Бахром Бахтиярович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Таштемиров Умид Махаматкаримович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Тиллаев Хайрулла Кудратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ўта мурраккаб ва узоқ давом этувчи ёнгинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Турсунов Юнус Сайдуллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тухтаев Бахрулла Бабамурадович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Хайтов Мансур Султонбаевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

(Давоми 2-бетда.)

## СОҒЛОМ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларидир



Биз мамлакатимиз спорти ҳаётидаги муҳим воқеалар ва эришилаётган натижаларни, албатта, порлоқ келажагимизнинг мустаҳкам асоси бўлган истиқлолимиз билан боғлаймиз. Чунки мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор тўғрисида янги марраларни эгалламоқдамиз.

### БОЛАЛАР СПОРТИ

Йилдан-йилга шахару қишлоқларимизда қад ростлаётган кўркам ва замонавий, мустаҳкам моддий-техник базага эга спорт иншоотлари — стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, гимнастика марказлари юртимиз шаънини халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қила оладиган кўплаб истеъдодларни кашф этиш имконини бераётир.

Ана шу ишларни ташкил

қилишда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

Сўнги ўн йил давомида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда

# 1203

та

болалар спорти объекти барпо этилди.



Маҳалла — азалдан юртимизда тарбия ўчоғи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлар маскани, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи сифатида эътироф этиб келинади. Одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ҳамда тотувлик, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш каби эл-юртимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган.

## Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар собиқ Иттифоқ мафкураси маҳаллаларни расман тан олмади, уларни жамиятни бошқариш тизимида қиритмади. Маҳаллалар фаолиятини миллий қадриятларни эъзозлаш ва тарғиб қилишга эмас, балки фақат собиқ мустабид тузум гоёларига қаратилди, унинг тузилиши маъмурий-бўйруқ-бозлик тизимига хос белгилар билан шакллантирилди.

Бошқача айтганда, маънавият, таълим-тарбия соҳасида маҳалланинг аҳамияти йўққа чиқарилган, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш ман этилган эди.

Мустақилликдан сўнг давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бошчилигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон умумжаҳон нормаларини инobatга олган ҳолда, миллий давлатчилик пойдеворини яратиб беришди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ушбу сиёсатнинг узвий қисми сифатида белгиланди. Маҳалланинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала эканлиги устувор

(Давоми 3-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Ахмедов Рустамжон Давлатбекович** — Сирдарё вилояти Боёвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Бекмирзаев Турсунбой Алмидинович** — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлима командир

**Борхўжаев Азизжон Махаматжонович** — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Каримов Ойбек Толибжон ўғли** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси катта терговчиси

**Нуритдинов Хусниддин Джуманазарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси тезкор вакили

**Тошов Ибод Муродович** — Бухоро вилояти Бухоро тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Усмонов Рўзибой Арабович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшнлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Шаймарданов Исмаилов Элмирзаевич** — Қашқадарё вилояти Яққабоб тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

**Шамсиев Отабек Бахронович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи

**Шеров Улғабек Умарович** — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

### «Шухрат» медали билан

**Абдуллаев Дониёр Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

**Давранов Илхом Шавкатович** — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

**Қиличев Шерзод Саъдуллаевич** — Хоразм вилояти Кўшкўпир тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

**Махмудов Шероват Салимович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлигининг ўринбосари

**Нуримов Махмуд Хазирбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

**Пулатов Латиф Азимович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Убаев Тохиржон Қажорович** — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер

### Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 23 октябрь

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Гаров реестри тўғрисида

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### 6-модда. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

Фойдаланувчилар: гаров реестрига ёзувлар киритишга ва уларни ўзгартиришга; гаров реестридан ёзувларни чиқариб ташлашга; гаров реестридан кўчирмалар олишга ҳақли. Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 7-модда. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Фойдаланувчилар: гаров реестрига ҳолис ва ишончли маълумотлар кўрсатилган ёзувларни киритиши; гаров реестрига ўзлари киритган ёзувлар мунтазам равишда янгилашни турилишини таъминлаши шарт. Фойдаланувчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 8-модда. Гаров реестрига киритилган ёзув

Гаров реестрига: мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа асослардан, шу жумладан ушлаб қолиш, лизинг, товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш, келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар тўғрисидаги;

ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний қучга кирган қарори тўғрисидаги; қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисидаги; қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш тўғрисидаги талаблар тўғрисидаги; қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади.

### 9-модда. Гаров реестрига ёзув киритиш

Гаров реестрига ёзув киритиш фойдаланувчи томонидан электрон шаклда амалга оширилади. Гаров реестрига киритилаётган ёзув қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак: қарздор ва кредитор тўғрисидаги ахборот (солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахслар учун — номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли); қарздорнинг мол-мулк ва кредиторнинг бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тавсифи. Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ

киритилган ёзув уни киритиш вақти ва санаси кўрсатилган ҳамда унга ягона рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда автоматик равишда гаров реестрида қайд этилади.

Агар қонунда бошқача қоидда назарда тутилмаган бўлса, гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

Гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун ҳақ ундирилади, уни ундириш шартлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 10-модда. Гаров реестрига ёзув киритиш шартлари

Кредитор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан ёзув киритиш қарздорнинг розилиги билан амалга оширилади. Қарздорнинг розилиги қарздорнинг идентификация маълумотлари, шунингдек кредиторнинг қайси мол-мулкка ҳуқуқи бўлса, ўша мол-мулк кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилади. Қарздорнинг ёзма розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунга қадар кредиторда сақланиши керак.

Суднинг ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қонуний қучга кирган қарори тўғрисида ёзув киритиш ёхуд киритилган ёзувдан мол-мулкнинг бир қисмини чиқариб ташлаш ёки ундаги ахборотни ўзгартириш кредитор томонидан қарздорнинг розилигисиз амалга оширилади.

Қарздорнинг зиммасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлган тақдирда, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Тергов ва суриштирув органлари қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилган тақдирда, қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Агар қарздор ёзувни ноҳолис ва ишончсиз деб ҳисобласа ва кредитор уни чиқариб ташлашни ёки ўзгартиришни рад этса, киритилган ёзувга доир эътирозлар қарздор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан гаров реестрига киритилади.

### 11-модда. Гаров реестридаги ёзувни ўзгартириш

Гаров реестридаги ёзувга ўзгартириш мазкур ёзувни киритган фойдаланувчи томонидан қарздорнинг мол-мулкни алмаштирилган ёхуд мол-мулк таркибиде ўзгаришлар бўлган ёки қарздорнинг ўзи алмаштирилган, шунингдек суд қарори қонуний қучга кирган ҳолларда киритилади.

Фойдаланувчи ёзувга ўзгартиришларни ўз вақтида киритиши шарт.

## ШХТга аъзо давлатлар вазирларининг кенгаши

Тошкентда 23 октябрь кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатларнинг ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти учун масъул вазирларининг ўн иккинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ташқи иқтисодий ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош қотибининг ўринбосари А. Носиров ва ШХТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи қотиби С. Канавский иштирок этди. Амалий ва дўстона руҳда ўтган кенгаш давомида ШХТ доирасида минтақада иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид кўплаб масала-

лар кўриб чиқилди. Жумладан, делегация раҳбарларининг ШХТ доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқбол, ШХТ Котибиятининг ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2012 — 2016 йилларда ШХТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари рўйхати оид ахбороти, шунингдек, 2012 — 2013 йилларда ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

ривожлантириш тадбирлари рўйхатини бажариш бўйича тадбирлар режасини изчил амалга оширишга келишиб олдилар ва ҳамкорликнинг муайян соҳаларига тааллуқли инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тошкентда 2013 йил 28-29 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги кенгашига ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида автомобилда халқаро ташувлар учун қулай шароит яратиш тўғрисидаги битим, ШХТ Котибиятининг ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурининг ижросига оид ҳисоботини кўриб чиқиш учун тақдим этишга келишиб олинди.

Кенгаш якунлари бўйича ШХТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан Протокол имзоланди.

(ЎЗА).

Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Гулшан Тўраева — ана шулардан бири.

— Вобкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқиганман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу ерда ҳеч бир қийинчиликларсиз ишлаб кетдим. Коллежда олган назарий билимларим қўл келди, деб ўйлайман. Биздан, асосан, хушёрлик, зийраклик ва эътибор талаб қилинади. Жамоамиз аҳил. Қулай иш шароитлари яратилган. Дарвоқе, туманда 2013 — 2014 йиллар давомида саноат йўналишида саккизта бизнес лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Уларнинг учтаси жорий йилнинг ўтган даврида ҳаётга татбиқ этилди. Яқин истиқболда эса трикотаж, тикуччилик, тўқув, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кичик иссиқлик электр станцияси барпо қилишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади. Бу эса 214 та иш ўрни юзага келади, дегандир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Шоҳруҳ ШАРАПОВ  
олган суратлар.

### ХАБАРЛАР

«Техиатос иссиқлик электр станцияси» очик ақшадорлик жамияти қошида балкичиликка ихтисослаштирилган корхона ишга туширилиши билан касб-ҳунар коллежаларининг 11 нафар битирувчиси иш билан таъминланди.

### Парҳез маҳсулотлар кўпаяди

— «Техиатос гидро қурилиш» шўъба корхонаси қурувчилари бунёд этган ушбу балкичилик корхонасига 2,5 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди, — дейди иш юритувчи Жақсийбай Атамуратов. — Айни пайтда бу ерда 2 тонна сазан, дўнбешана, оқ амур каби балкич вақчалари парваришланмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Газ баллонлари тайёрланмоқда

Қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган айни кунларда Урганч шаҳрида газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Урганчгазаш» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

Лойиҳа қиймати 7 миллиард сўмини ташкил этган ушбу корхона энг илғор технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда йилга 15 минг донга газ баллонлари ишлаб чиқариш қуввати яратилди.

45 кишини иш билан таъминлади, — дейди жамият раҳбари Шухрат Назаров. — Айни пайтда дастлабки 500 донга сифатли газ баллонини миқдорларга етказиб бердик. Корхонамиз тўла қувват билан ишлаб бошлагач, жамоамиз сафи 100 нафарга етди. Келгусида биогаз ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳам режалаштирганмиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Юқори сифат ва самарадорлик



ҳам муносиб улуши бор. Мазкур корхона ўтган йили фаолият бошлаган эди. Банкнинг 350 миллион сўмлик кредити эвазига харид қилинган замонавий дастгоҳлар айни пайтда юқори сифат ва самарадорликнинг омил бўлмоқда.

### ИНТИЛИШ

— Корхонамиз йилга 150 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш қувватига эга, — дейди жамият иш юритувчиси Жобир Ҳожиёв. — Ҳом ашёни Вобкент ҳамда Когон туманлари фермер хўжалиқларидан шартнома асосида оламиз. Қўриб турганингиздек, иккита линия ишламоқда. Технологияни Хитойдан харид қилганмиз. У энергия

тежамкорлиги, кам ишчи кучини талаб қилиши билан бизга маъқул.

Дарҳақиқат, эски технология билан таққослаганда, замонавий линия бир қанча афзалликларга эга. Масалан, 400 та қозонни ишлаштириш учун ўн нафар ишчи киёфя. Бинобарин, иш жараёни автоматик тарзда ташкил этилади.

Яна бир жиҳати, янги технологияда табиий газ сарфи нисбатан кам. Бу эса харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, илгари вобкентлик пиллакорлар ўзлари етиштирган махсулотга четдан хариддор топшишга мажбур бўлишарди. Эндиликда бунга ҳолат йўқ. Пилла ту-



манинг ўзида қайта ишланиб, экспорт қилинапти. Бултўр корхона ўн тоннадан зиёд ипақни чет эл-

лик буюртмачиларга етказди. Ҳозир «Кумушкент ипаги» тамғаси туширилган маҳсулот Ҳиндистон ҳамда

эронлик хариддорларга жунатилмоқда. Корхонада бугунги кунда 51 нафар киши меҳнат қилапти.



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Юртбошимиз Жамғармани тузишда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни ўз олдимишга қўйганимизни таъкидлаб, жумладан, шундай деган эди: “Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-

ди. Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйди ва бу йўлда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз”.

Дарҳақиқат, узққни кўзлаб амалга оширилаётган ана шундай оқилона сиёсат амалда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз: сўнгги ўн йил давомида Ўзбеки-

қурилган. Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 284 та спорт иншооти, 96 та сузиш ҳавзаси реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Биргина жорий йилда эса 112 та болалар спортини иншооти қурилди ва реконструкция қилинди.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ секцияларда бир миллион 800 минг нафардан зиёд болалар спорт билан шуғулланмоқда.

ланиб, маҳорати сайқал топган Аббосбек Махситаев, Сарвиноз Курбонбоева, Жамила Раҳматова, Замира Санақулова, Азиза Мамажонова, Хусниёна Холлиқова каби кўлаб истеъдодли ёшларимиз бугун спортда юқори натижаларга эришиб келишмоқда.

Қувонарли жиҳати, она-Ватанимиз номини улуғлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бораётир. Шу йил бокс бўйича



## Учқудуқда мандарин етиштирилади

Учқудуқ туманидаги “Учқудуқ улгуржи савдо” масъулияти чекланган жамияти томонидан лимон, апельсин, мандарин каби цитрус мевалар етиштириш йўлга қўйилди.

### ИЗЛАНИШ

Ярим гектар майдонга экилган қўчатлар томчилиб сугориш технологияси асосида парвариш қилинапти.

— Биласиз, бизнинг чўл шароитида ҳар томчи сув кадрли, — дейди корхона раҳбари Хасан Шахриёров. — Шу боис 100 миллион сўм эвазига замонавий сугориш технологиясини келтириб ўрнатдик. Изланишларимиз самара бериб, цитрус мева қўчатлари иқлим шароитимизга мослашди.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# СОҒЛОМ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД

эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларидир

онанинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашни энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша ола-

тон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда 1203 та болалар спорт объектлари, жумладан, 269 та янги спорт комплекси, 934 та спорт зали барпо этилди. Буларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда

Мақтаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулоти рағбатига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга ўсди. Уз ва батида, қишлоқларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўғил-қизлар сони 2003 йилга нисбатан икки баробарга кўпайди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, ёш авлодни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари алоҳида аҳамият касб этаётир. Бу тизим биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси битирувчиларигача — ёш авлоднинг барча вакиллари қамраб олади. Масалан, 2012 йилда ўтказилган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг туман ва вилоят босқичларида бир миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этганининг қамрови қандай кенг экани ва беллашувлар нақадар қизгин ўтганидан дарак беради. Ана шундай бахсларда тоб-

16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз тўртта олтин, бешта кумуш ва битта бронза медалга эришди, қитъа давлатлари орасида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Яқиндагина Хитойнинг Нанкин шаҳрида яқунланган ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинларида эса спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритиб, мамлакатимиз ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини амалда яна бир қарра исботладилар. 30 август — 6 сентябрь кунлари Шри-Ланканинг Коломбо шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Ана шу муваффақиятда Шамсиддин Воҳидов, Дилбар Ҳамроева, Ортик Нигматов, Ҳожиакбар Фозилжонов сингари иқтидорли ёшларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Бундай мисолларни яна кўлаб келтиришимиз мумкин. Эътиборлиси, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга

жалб қилиш борасида ҳам улкан натижаларга эришилди. Айни пайтда мамлакатимизда спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони 2003 йил билан солиштирилганда 1,6 баробарга кўп.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, болалар ўртасида спортни омаллаштириш мақсадида “Олимпиада умидлари”, “Кувнок стартлар”, “Соғломжон — Полвонжон”, “Камолот малакиси”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи”, “Футболимиз келажаги”, “Ёзги таътил” каби қатор қизиқарли мусобақалар ҳам мунтазам ташкил этилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида айтган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари келгуси фаолиятимизни самарали ташкил этишда барчамиз учун муҳим дастуриламал бўлади.

Олимжон ШОДИЕВ,  
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директорининг уринбосари.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Реклама ва эълонлар

## Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади.

### Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига:

17.00.06 — Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш

### Мустақил изланувчилик институтига:

- 17.00.05 — Дизайн назарияси ва тарихи  
17.00.06 — Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш  
17.00.07 — Маданият назарияси ва тарихи. Маданиятшунослик  
17.00.08 — Санъат назарияси ва тарихи

### Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари талаб этилади:

- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятига лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- илмий ишлар ва илмий ҳисобовлар рўйхати.

### Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй.  
Телефон: (8-371) 232-17-63. Факс: (8-371) 232-17-61.

## «ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ

ўзи ишлаб чиқараётган қуйидаги маҳсулотларни сотиш учун тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади:

- Калава ип: — Стандарт - 3 (очёс трёпальный);  
— Nm 34/1 Калава ип; — Стандарт - 3/1 (орешек трёпальный);  
— Nm 34/1 Калава ип (нестандарт). — Стандарт - 7 (очёс кардный);  
Пахта чиқиндилари: — Стандарт - 33 (пух);  
— Стандарт - I (мычка); — Стандарт - 36 (путанка).

Маълумот учун «Узсанотқурилишбанк» ОАТБ банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 3-уй. Тел.: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.

E-mail: uzpsbinvest@gmail.com ва psbinvest@gmail.com

Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй. «Elite Stars Textile» МЧЖ.

Тел.: (+99891) 376-25-45. Факс: (8-361) 554-21-10. E-mail: elitestartextile@mail.ru

## «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Когон СИБ муддати — 2013 йил 26 ноябрь куни томонидан Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 1 мартдаги 20-1303/496-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Когон шаҳри, Бухоро шўҳчасида жойлашган, Когон тумани МТПга тегишли бўлган бино-иншоотлар мулкий мажмуаси (2 та омборхона биноси, пайвандлаш цехи, айвон биноси, гараж) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 166 925 259 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижро қилиш бўлими вакили танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-кават.  
Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.



C and H Industry  
Construction Equipment & Service



Иностранное предприятие  
ООО «С and H Industry»


предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.



Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.  
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-87.  
E-mail: uzvolvo@gmail.com



## Халқ сўзи

### Народное слово

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси